

---

# МУҲИМ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

*Мурожаатномада жорий йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари ҳамда олдимизда турган галдаги устувор вазифалар белгилаб берилди.*

Бу борада илгари сурилган мақсад ва вазифалар шу юртнинг ҳар бир фуқароси, шу жумладан, илм-фан ходимлари ва талабаларни ҳамда ўқиш истагида юрган ёшларимизни тўлқинлантириб юборди. Жорий йилда мактаб битирувчиларининг олий ўқув юрталарига қамровини 25 фоизга етказиш, талабаликка қабул жараёнида давлат грантларини икки баробар кўпайтириш, мутахассисликка алоқаси йўқ ўқув дастурларини 30 фоизгача қисқартириш ва таълимнинг кредит-модуль тизимига ўтиш борасидаги таклифлар, айниқса, ёшларнинг, олий таълим соҳасида фаолият юритаётган педагогларнинг айна дилидаги гаплар бўлди.

Бугун университетимизда кундузги ва сиртки бўлимларда 16,5 минг нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Уларнинг 1182 нафари хорижий мамлакатлар ёшларидир. Жорий йилдан таълим даргоҳимиз юртимиздаги 10 та олий ўқув юрти қаторида ўз-ўзини молиялаштириш ти-

зимига ўтди. Замон талабига жавоб берувчи малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, ҳудудни сифатли юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш мақсадида университет қошида “Хоразм” инновацион технопарки ташкил этилди.

Муҳими, бу Мурожаатнома республикаимиз тараққиётида туб бурилиш ясайдиган, истиқлол солномасида янги даврни бошлаб берадиган муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, унда илгари сурилган гоёлар, белгиланган вазифалар юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**  
**Урганч давлат университети**  
**ректори,**  
**халқ депутатлари**  
**Хоразм вилояти Кенгаши**  
**депутати.**

---